Умурзакова Мўътабархон Нодир қизи,
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети иқтисодиёт факультети «Макроиқтисодиёт» кафедраси таянч докторанти

"COVID-19" ПАНДЕМИЯСИ ШАРОИТИДА ТИББИЙ СУҒУРТАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

УДК: 368.9

УМУРЗАКОВА М.Н-Қ. "COVID-19" ПАНДЕМИЯСИ ШАРОИТИДА ТИББИЙ СУҒУРТАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ушбу мақолада ривожланган мамлакатларда "Covid-19" пандемияси шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида тиббий суғуртанинг амал қилиш, пандемия шароитида тиббий суғуртанинг аҳоли саломатлигини таъминлашга, тиббий хизматлар харажатларини камайтиришга ва пандемия шароитида тиббий суғуртанинг амал қилиш хусусиятлари ҳақида сўз юритилади.

Таянч иборалар: "Covid-19" пандемияси, тиббий суғурта, соғлиқни сақлаш, тиббий ёрдам, давлат бюджети маблағлари, молиялаштириш.

УМУРЗАКОВА М.Н-К. ОСОБЕННОСТИ ПРИМЕНЕНИЯ МЕДИЦИНСКОГО СТРАХОВАНИЯ В УСЛОВИЯХ ПАНДЕМИИ "COVID-19"

В данной статье анализируются особенности медицинского страхования в системе социальной защиты во время пандемии «Covid-19» в развитых странах и эффективность медицинского страхования.

Ключевые слова: пандемия «Covid-19», медицинское страхование, здравоохранение, медицинские услуги, средства государственных бюджета, финансирование.

UMURZAKOVA M.N-Q. FEATURES OF THE HEALTH INSURANCE IN THE CONTEXT OF THE "COVID-19"

In the article is analyzed the features of health insurance during the Covid-19 pandemic in developed countries and the effectiveness of health insurance in the social protection system.

Key words concepts: Covid-19 pandemic, health insurance, health care, medical services, state budget funds.

Кириш. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «дунё аҳолисининг деярли ярми энг керакли тиббий хизматлар билан тўлиқ қамраб олинмаган»[1]. «800 миллиондан ортиқ аҳоли ёхуд дунё аҳолисининг 12 фоизи даромадларининг камида 10 фоизини соғлиқни сақлаш харажатларига сарфлашади. Технологик тараққиёт тиббиётдаги оғриқли масалаларни ҳал қилаётган бўлса-да, кўплаб давлатларда қашшоқлик аҳоли саломатлиги даражасининг кўтарилишига йўл қўймаяпти. Натижада, очлик ва носоғлом яшаш тарзи миллионлаб одамлар ҳаётини қийинлаштирмоқда»[2]. Бир вақтнинг ўзида « ... халқимиз генофондини мустаҳкамлаш мақсадида тиббий хизматлар сифатини яхшилаш ва кўламини кенгайтириш лозим»[3]лиги аҳоли саломатлигини таъминлашдаги устувор вазифадир.

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Жаҳон банкининг 2020 йилдаги «Жаҳон иқтисодиёти истиқболлари» маърузасида Covid-19 пандемияси шароитида иқтисодий сиёсат ва соғлиқни сақлаш соҳасида тезкор чоралар қабул қилиш, шу жумладан, унинг оқибатларини юмшатиш мақсадида глобал ҳамкорлик қилиш, аҳолининг ночор қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш зарурлиги алоҳида қайд этилди[4].

Халқаро экспертларнинг фикрича пандемия шароитида 40 миллиондан ортиқ киши ишсиз қолиши эҳтимоли мавжуд. Европа иттифоқи давлатларида 2020 йилнинг бошида ишсизлик даражаси ўртача 6,2 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич Испания, Италия, Франция, Греция каби давлатларда ўртача 12 фоиздан ошиши кутилмоқда. Халқаро валюта жамғармасининг прогнозларига кўра, 2020 йилда жаҳон иқтисодиёти 3 фоизга қисқариши кутилмоқда. Иқтисодий пасайиш ривожланган давлатларда 6,1 фоизни (шу жумладан, АҚШда 5,9 фоиз, Евроҳудуд мамлакатларида 7,5 фоиз), ривожланаётган мамлакатларда 1 фоизни, шунингдек, Россияда 5,5 фоизни ва Қозоғистонда 2,5 фоизни ташкил этиши мумкин[5].

Жаҳонда содир бўлаётган бундай ўзгаришлар Ўзбекистон иқтисодиётига ва соғлиқни сақлаш соҳасига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 июлдаги ПҚ-4772-сон Қарори билан Жаҳон банки иштирокида "Ўзбекистон "Covid-19" инфекциясига қарши шошилинч чоралар кўриш" лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари белгилаб олинди. Лойиҳанинг умумий қиймати 106,757 миллион АҚШ долларга тенг, шундан 37,75 миллион АҚШ доллари "Covid-19" инфекциясига қарши чоралар кўриш учун Миллий соғлиқни сақлаш тизимини мустаҳкамлаш учун сарфлашга ажратилган.

Аҳолининг соғломлиги мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини ифодаловчи асосий кўрсаткичлардан биридир. Аҳолининг соғлиғига оид кўрсаткичлар миллий соғлиқни сақлаш тизими ҳолатига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб, бунда соғлиқни сақлаш тизимининг молиявий таъминоти муҳим ўрин тутади. Ўз навбатида, аҳолининг малакали тиббий хизматларга бўлган талабини қондиришда соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш, бу борада ижтимоий суғуртанинг асосий турларидан бири ҳисобланган тиббий суғуртани ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда ижтимоий соҳани, жумладан, тиббий хизматлар бозорини шакллантириш ва соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари Бекмуродов А.Ш., Вахабов А.В., Маликов Т.С., Хайдаров Н.Х., Жумаев Н.Х., Баев Х.И., Хошимов П.З., Абдуллаева Ш.Е., Бахрамова Д.Б., Рахмонов Д.А., Райимбердиева О.Р., Қосимова Г.А., Ражабов Ў.Д. илмий асарларида[6] таҳлил қилинган.

[1] https://www.who.int/news-room/fact-sheets/detail/universal-health-coverage-(uhc).

[2] https://uzbekinvest.uz/news/tibbij-sugurta-soglik--kafolati-buloladimi.

[3] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси - https://kun.uz/99444746.

[4] Жаҳон банкининг маълумотлари - https://www.vsemirnyjbank.org/ru/news/press-release/2020/06/08/covid-19-to-plunge-global-economy-into-worst-recession-since-world-war-ii.

[5] https://uza.uz/oz/business/pandemiya-sharoitida-i-tisodiyet-muammolarning-echimi-bormi-25-05-2020.

[6] Бекмуродов А.Ш. и автор. колл. Человеческое развитие. Учебник. – Т.: «Фан ва технология», 2012. – 376 с.; Вахабов А.В. Бозор муносабатлари тизимидаги ижтимоий фондлар. Монография. – Т.: «Шарқ», 2003. – 320 б.; Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Молия: умумдавлат молияси. – Т.: «Иқтисод-молия», 2009. – 155 б.; Жумаев Н.Х. Соғлиқни сақлаш муассасаларини молиялаштиришнинг натижа мезонларини шакллантириш. «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали, №3, май-июнь, 2019.; Баев Х.И. Аҳолини ижтимоий ҳимоялашни ташкил этиш ва бошқариш муаммолари. Монография. – Т.: «Иқтисодиёт», 2012. – 154 б.; Хошимов П.З., Абдуллаева Ш.Е. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг назарий асослари. Иқтисод ва молия,

Илмий муаммонинг қўйилиши. Юқорида қайд этилган илмий-тадқиқот ишларида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида турли тиббий суғурта муносабатларининг айрим жиҳатлари тадқиқ қилинган. Аммо, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда тиббий суғуртанинг зарурлиги турли хил пандемиялар шароитида комплекс равишда ўрганилмаган ва унга бағишланган махсус илмий-тадқиқот ишлари етарли даражада олиб борилмаган.

Тадқиқот мақсади. Жаҳонда мавжуд бўлган соғлиқни сақлаш моделларининг ҳеч бири универсал бўлмаслигига қарамай, ушбу моделларнинг кучли ва заиф томонлари таҳлили, бундан ташқари маълум бир давлатларнинг тажрибаларини умумлаштириш Ўзбекистон амалиётида соғлиқни сақлаш соҳасидаги замонавий моделини ислоҳ қилиш ва оптималлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот методлари. Тадқиқот жараёнида гуруҳлаштириш, абстракт-мантиқий фикрлаш, индукция ва дедукция усулларидан фойдаланилган.

Асосий натижалар. ЖССТ 2020 йил 30 январда дунёда янги коронавирус Covid-19 пандемиясини эълон қилди ва бугунги кунда коронавирус инфекцияси бутун дунёни эгаллаб олди. Бир вақтнинг ўзида коронавирус пандемияси даврида жаҳон иқтисодиёти, жумладан жаҳон суғурта бозори ҳам зарар кўриши табиий ҳол. Дунё ЯИМ ҳажмида суғурта соҳасининг улуши 6,1 фоизни ташкил этади. Коронавирус пандемияси даврида катта зарар кўраётган АҚШда йиғиладиган суғурта мукофотлари ҳажми дунё суғурта бозорининг 25,0 фоизини ташкил этади, шунингдек АҚШда суғурта соҳасининг ЯИМ ҳажмидаги улуши 11,3 фоизга тенг. Пандемиядан зарар кўраётган Европа давлатларида (Франция, Испания, Германия, Италия ва бошқаларда) суғурта соҳасининг ЯИМ ҳажмидаги улуши 8,4 фоизни ташкил этади. Бу кўрсаткич Россияда 1,5 фоизни ташкил этса, Қозоғистонда 0,9 фоизни, Арманистонда 0,6 фоизни, Ўзбекистонда 0,4 фоизни ташкил этади[1].

Бу рақамлар мамлакатимизда суғурта бозорининг ривожланмаганлигини кўрсатади ва суғурта тизимини, шу жумладан, тиббий суғуртани пандемия шароитидан келиб чиқиб, қайта ислоҳ қилиш зарурлигини белгилаб беради. Бу борада мажбурий тиббий суғурта тизимини ривожлантириш аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Мажбурий тиббий суғурта тизими амал қилаётган Россия Федерацияси ва Францияда аҳоли тиббий харажатларининг 60-80 фоизи давлат ҳисобидан қоплаб берилади[2]. Қолгани фуқароларнинг ўз маблағлари ҳисобидан ёки ихтиёрий тиббий суғурта полиси доирасида иш берувчи ҳисобидан қопланади.

Коронавирус пандемияси даврида тиббий суғуртани ривожлантиришнинг нақадар зарурлигини ҳаётнинг ўзи яна бир бор тасдиқлаб турибди. Масалан, коронавирус тарқалишининг ўчоғи ҳисобланган Хитой Халқ Республикасида барча фуқаролар тиббий суғурталанган бўлиб, коронавирусдан касалланганларнинг эҳтиёжлари тиббий суғурта ҳисобидан қопланган.

Маълумотларга кўра, 2020 йилнинг 4 август ҳолатига Ўзбекистонда коронавирус аниқланганлар жами сони 26804 нафарни ташкил қилган ва бу кўрсаткич ўсишда давом этмоқда[3]. Мазкур касаллик деярли барча давлатлар фуқаролари соғлиғига салбий таъсир кўрсатмоқда ҳамда мамлакатлардаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатнинг ёмонлашувига олиб келмоқда.

Масаланинг муҳимлиги ва мураккаблиги шундаки, эпидемик касалликнинг мамлакат ва дунё бўйлаб ёппасига тарқалиши давлат томонидан унинг олдини олиш ва даволаш чоралари учун катта миқдордаги маблағлар сафарбар этилишини тақозо этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2020 йил 15 апрелда қабул қилинган «Коронавирус пандемияси даврида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюд-

№9, 2012. 21-26-б.; Бахрамова Д.Б. Аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг асосий йўналишларини иқтисодий-статистик таҳлили (Қашқадарё вилояти мисолида). Фан. докт. (DSc) дисс. автореф. – Т.: «ТДИУ», 2018. – 56 б.; Рахмонов Д.А. Ўзбекистонда ижтимоий соҳани молиялаштиришнинг методологик асосларини такомиллаштириш. Фан. докт. (DSc) дисс. автореф. – Т.: «Академия ноширлик маркази», 2018. – 71 б.; Райимбердиева О.Р. Соғлиқни сақлаш муассасаларини молиявий таъминлашни ташкил қилиш. И.ф.н. илм. дараж. ол. учун. баж. дис. автореф. – Т., 2001. – 21 б.; Қосимова Г.А. Ижтимоий-маданий соҳаларни ривожлантиришда бюджет сиёсатининг роли (Ўзбекистон Республикаси мисолида): и.ф.н. ... дис. автореф. – Т., 2001. – 22 б.; Султонова А.У. Соғлиқни сақлашни бозор муносабатлари орқали тартибга солишнинг ҳалқаро амалиёти. И.ф.н. илм. дараж. ол. учун. баж. дис. автореф. – Т., 2001. – 21 б.; Ражабов Ў.Д. Ижтимоий хизматлар соҳасида хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг назарий жиҳатлари ва устувор йўналишлари. И.ф.н. илм. дараж. ол. учун. баж. дис. автореф. – Т., 2008. – 26 б.

[1] http://www.kafolat.uz/uz/news/info/company/1146/.

[2] http://www.finmarket.ru/insurance/?nt=1&id=5214903.

[3] https://aniq.uz/statistika/uzbekiston-coronavirus.

1-расм.“Covid-19” инфекциясини даволаш ва реабилитация харажатлари (млрд. сўм)[1].



жети барқарорлигини таъминлаш ва биринчи навбатдаги тадбирларни ўз вақтида молиялаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4679-сон қарори пандемия даврида Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш бўйича муҳим тадбирларни ва давлат дастурларини молиялаштиришда муҳим амалий аҳамият касб этди. Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш учун жамғармалар томонидан 1,7 трлн сўм, бюджет маблағлари ҳисобидан 72 млрд сўмдан зиёд тиббий ускуналар сотиб олиш учун йўналтирилди.

Жумладан, коронавирус пандемияси ва глобал инқироз даврида Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш ва бюджет харажатларини мақбуллаштиришнинг устувор йўналишлари белгилаб олинди.

Жаҳон банкининг 2020 йилдаги «Жаҳон иқтисодиёти истиқболлари» маърузасида Covid-19 пандемияси иқтисодий сиёсат ва соғлиқни сақлаш соҳасида тезкор чоралар қабул қилиш, шу жумладан, унинг оқибатларини юмшатиш мақсадида глобал ҳамкорлик қилиш, аҳолининг ночор қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш зарурлиги алоҳида қайд этилди[2].

Халқаро экспертларнинг фикрича, пандемия шароитида 40 миллиондан ортиқ киши ишсиз қолиши эҳтимоли мавжуд. Халқаро валюта жамғармасининг прогнозларига кўра, 2020 йилда жаҳон иқтисодиёти 3 фоизга қисқариши кутилмоқда. Иқтисодий пасайиш ривожланган давлатларда 6,1 фоизни (шу жумладан, АҚШда 5,9 фоиз, Евроҳудуд мамлакатларида 7,5 фоиз), ривожланаётган мамлакатларда 1 фоизни, шунингдек, Россияда 5,5 фоизни ва Қозоғистонда 2,5 фоизни ташкил этиши мумкин[3]. Жаҳонда содир бўлаётган бундай ўзгаришлар Ўзбекистонга ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан Ўзбекистон иқтисодиётининг жорий ҳолати ва кутилаётган тенденциялар бўйича маълумотида қайд этилишича, 2020 йилнинг иккинчи чорагида иқтисодий ўсиш суръати 4,1 фоизни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос давридаги кўрсаткичига (5,7 фоиз) нисбатан 1,6 фоиз камайиши кузатилган[4].

Covid-19 пандемияси даврида коронавирусга чалинган инсонларни даволаш ва аҳоли саломатлигини сақлаш билан боғлиқ харажатлар турли мамлакатларда турлича амалга оширилмоқда. Бундай даврда энг катта босим соғлиқни сақлаш тизимига тушмоқда. Коронавирус билан касалланганларни даволаш ҳам мамлакатнинг иқтисодий ўсиш суръатларига ҳамда соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштириш моделига қараб фарқ қилмоқда (1-жадвал). Айрим мамлакатларда бундай касалликка дучор бўлган беморлар тўлиқ Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилаётган бўлса, баъзиларида фуқаролар тиббий суғуртадан, тиббий суғурта мавжуд бўлмаганда эса даволаниш билан боғлиқ харажатларни ўз ҳисобидан амалга оширмоқда. Масалан, коронавирусга чалинган ҳар бир беморни даволаш харажатларининг салмоқли қисми тиббий суғурта ҳисобидан қопланмоқда. Хусусан, бу кўрсаткич АҚШда 50 фоизни, Францияда 80 фоизни, Германияда 96 фоизни, Хитой Халқ Республикасида

[1] https://kun.uz/10522160

[2] Жаҳон банкининг маълумотлари - https://www.vsemirnyjbank.org/ru/news/press-release/2020/06/08/covid-19-to-plunge-global-economy-into-worst-recession-since-world-war-ii.

[3] https://uza.uz/oz/business/pandemiya-sharoitida-i-tisodiyet-muammolarning-echimi-bormi-25-05-2020.

[4] https://uza.uz/oz/business/pandemiya-sharoitida-i-tisodiyet-muammolarning-echimi-bormi-25-05-2020.

1-жадвал. Covid-19 пандемияси шароитида даволаш харажатлари ва тиббий суғуртанинг аҳамияти (07.07.2020 йил ҳолатига)[1]

Мамлакатлар	Касаллика чалинганлар сони,	Бир беморни даволаш харажатлари ўртачаси, АҚШ доллари ҳисобида	Тиббий суғурта ҳисобидан қопланган қисми, фоизда
Бозор муносабатлари ривожланган мамлакатлар			
АҚШ	4713540	34000	50,0
Франция	225198	25000	80,0
Германия	212111	32000	96,0
Испания	297789	20000	50
Буюк Британия	313349	30000	50
Бозор муносабатлари ривожланаётган мамлакатлар			
Хитой Халқ Республикаси	88320	12250	66,6
Ҳиндистон	1855745	4150	
Туркия	233981	15973	10
Бозор муносабатлари шаклланаётган мамлакатлар			
Россия Федерацияси	854230	3150	60,0
Ўзбекистон	26804	4600	-
Қозоғистон	93171	540	30
Қирғизистон	37141	734	30,0

66,6 фоизни, Россия Федерациясида 12 фоизни ва Қирғизистонда 50 фоизни ташкил этади[2].

Бундан кўринадики, аксарият мамлакатларда "Covid-19" пандемияси шароитида беморларни даволаш харажатларини қоплашда тиббий суғурта муҳим ўрин эгаллаган. Шу билан бирга Давлат бюджети ҳисобидан коронавирус билан касалланганларни даволаш харажатлари ҳам салмоқли улушни эгаллайди.

Россия Федерациясида коронавирус билан касалланган беморларни даволаш харажатлари қисман Давлат бюджетидан ҳамда мажбурий тиббий суғурта ҳисобидан амалга оширилмоқда. Бунда коронавирусни даволаш учун сарфланаётган харажатлар миқдори ҳудудлар бўйича фарқ қилади. Масалан, коронавирус инфекциясининг енгил шакллари аниқланган (касаллик аломатларсиз ўтаётган) беморлар учун 352 АҚШ доллари, коронавирус инфекцияси ўртача оғир кечаётган (тана ҳарорати кўтарилаётган) беморлар учун 1,8 минг АҚШ доллари ва коронавирус инфекцияси оғир кечаётган беморлар учун 7,3 минг АҚШ доллари миқдорида харажат қилинмоқда[3]. Таъкидлаш жоизки, Россияда соғлиқни сақлашни молиявий таъминлашда мажбурий тиббий суғурта муҳим ўрин эгаллаб, соғлиқни сақлаш тармоғидаги жами тушумнинг 62 фоизини ташкил қилади[4]. Коронавирус пандемияси шароитида тиббий ёрдамнинг молиявий таъминоти мажбурий тиббий суғурта тизими орқали амалга оширилмоқда.

АҚШда коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларни даволаш харажатлари уларнинг тиббий суғуртаси ҳисобидан қопланади. Коронавирус инфекцияси билан касалланган битта беморни даволашнинг ўртача қиймати 30 минг АҚШ долларига тенг бўлиши мумкин[5]. FAIR Health[6] ташкилотининг таҳлилларига кўра, тиб-

[1] https://teyit.org/en/claims-about-treatment-expenses-of-covid-19-in-some-countries/ маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

[2] https://teyit.org/en/claims-about-treatment-expenses-of-covid-19-in-some-countries/

[3] https://www.gazeta.uz/uz/2020/06/08/treatmentcost/?utm_source=push&utm_medium=telegram.

[4] Аналитический доклад: «Влияние коронавируса Covid-19 на ситуацию в Российском здравоохранении». https://gks.ru/bgd/regl/b19_34/Main.htm(дата обращения: 13.04.2020).

[5] https://www.cnbc.com/2020/04/09/heres-what-you-need-to-know-about-coronavirus-treatment-costs.html.

[6] Мазкур ташкилот истеъмолчиларнинг соғлиқни сақлаш билан боғлиқ харажатларини баҳолашга

бий суғуртаси бўлмаган ёки суғуртаси коронавирусга ўхшаш касалликлар даволанишини назарда тутмаган фуқаролар Covid-19 билан касалланса, 42 мингдан 74 минг АҚШ долларгача харажат қилишларига тўғри келиши мумкин. Бунда, суғурталанмаган фуқаро 6 кунлик госпитализация учун 73,3 минг АҚШ доллари атрофида тўлаши керак бўлса, тиббий суғуртаси мавжуд беморлар даволаниши учун маблағнинг бир қисмини, яъни 38,2 АҚШ долларини тўлашлари керак[1]. Шуни ҳам қайд этиш зарурки, АҚШда 28 миллион нафарга яқин инсонлар тиббий суғурталанмаган. Уларнинг тахминан 2 миллион. нафари коронавирусга чалиниб, даволанишга муҳтож[2]. Бу эса ҳозирги пандемия шароитида уларнинг моддий аҳволига салбий таъсир кўрсатиб, ҳаётига таҳдид қилади. Бу эса тиббий суғурта аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишдаги ҳаётий зарурат эканлигини яна бир тасдиқлайди.

Германия ва Испанияда коронавирусдан касалланган беморларнинг даволаниш харажатлари давлат томонидан ва тиббий суғурта ҳисобидан қопланади[3].

Хитой Халқ Республикасида коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларни даволаш харажатлари асосан давлат томонидан қопланади. Бунда битта беморни даволаш учун ўртача 3,2 минг АҚШ доллари сарфланади. Коронавирус инфекциясини юқтирган беморларнинг ҳолатига қараб, мазкур маблағ миқдори фарқланади: оғир аҳволдаги коронавирус беморини даволашга ўртача 21,2 минг АҚШ доллари, алоҳида ҳолатларда ўта оғир аҳволдаги беморларни даволашга 141 минг АҚШ долларигача маблағ сарфланган[4]. Коронавирус инфекциясига чалинган беморларни даволаш харажатларининг 66,6 фоизи тиббий суғурта ҳисобидан қопланади.

Қирғизистон Республикасида коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларни даволаш учун зарур бўлган барча харажатлари давлат ҳисобидан қисман тиббий суғурта жамғармаси томонидан амалга оширилади. Бунда енгил аҳволдаги коронавирус беморини даволаш учун 107 АҚШ доллари, ўрта аҳволдаги бемор учун 220 АҚШ доллари, оғир аҳволдаги бемор учун 1007 АҚШ доллари ва ўта оғир аҳволдаги бемор даволанишига 1600 АҚШ доллари сарфланади[5].

Қозоғистон Республикасида коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларни даволаш харажатлари «Ижтимоий тиббий суғурта жамғармаси» томонидан амалга оширилади. Коронавирус билан касалланган битта беморни даволаш учун кунига 38 АҚШ доллари атрофида маблағ сарфланмоқда, бу эса битта беморнинг даволаниш харажатлари (14*38) 532 АҚШ долларига тенг деганидир.

Ўзбекистонда коронавирус инфекциясига чалинган барча беморлар давлат бюджети ҳисобидан даволанмоқда. Ўрта аҳволдаги ҳар бир бемор учун 3,2 минг АҚШ доллари, оғир аҳволдаги, жонлантириш бўлимида ётган ҳар бир беморга ўртача 6,4 минг АҚШ доллари маблағ сарфланмоқда. Пандемия даврида аҳолини тиббий муҳофаза қилиш бўйича Ўзбекистон тажрибаси биринчи навбатда аҳоли соғлиғига энг катта устуворлик берилгани ва бу бўйича барча имкониятлар тўлиқ сафарбар этилганлиги натижасида қисқа муддатларда карантин чораларини босқичма-босқич бекор қилинишига эришилди.

Хулоса ва таклифлар. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, коронавирус инфекциясига чалинган беморларни даволаш учун сарфланадиган харажатлар миқдори мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатига, хусусий тиббиётнинг тараққиётига, тиббий суғурта тизимининг ривожланганлик даражасига ва соғлиқни сақлаш тизимида аҳоли жон бошига ажратилган маблағлар миқдорига боғлиқ бўлади. ЖССТнинг стандартларига мувофиқ, мамлакатлар ЯИМ ҳажмининг камида 6 фоизини соғлиқни сақлаш тизимига йўналтириши зарур. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти стандартларига кўра, бу кўрсаткич 7 фоизни ташкил қилади[6]. Россия Федерациясида соғлиқни сақлашга ажратилган маблағлари мамлакат ЯИМнинг 5,3 фоизини ташкил қилади ва белгиланган меъёрдан кам. Таққослаш учун бу кўрсаткич АҚШда 17,1

кўмаклашувчи ва тиббий суғурта бўйича маълумотлар тақдим этувчи мустақил халқаро нотижорат ташкилотидир.

[1] https://iz.ru/995843/2020-04-05/nazvana-stoimost-lecheniia-ot-koronavirusa-v-ssha.

[2] https://www.cnbc.com/2020/04/09/heres-what-you-need-to-know-about-coronavirus-treatment-costs.html.

[3] https://iz.ru/995843/2020-04-05/nazvana-stoimost-lecheniia-ot-koronavirusa-v-ssha

[4] https://www.gazeta.uz/uz/2020/06/08/treatment-cost/?utm_source=push&utm_medium=telegram.

[5] http://kabar.kg/news/v-kyrgyzstane-bol-nykh-s-covid-19-lechat-besplatno-za-schet-gosudarstva-abdikarimov/.

[6] Роик В.Д. Социальное страхование в меняющемся мире: каким будет выбор России? – СПб.: «Питер», 2014. – С. 284.

фоизни, Швецарияда 12,2 фоизни, Японияда 10,9 фоизни, Германияда 7,1 фоизни ташкил этади[1].

Бу эса мазкур мамлакатларда тиббий суғуртанинг ҳам тараққий этганлиги кўрсатади. Бу давлатларда пенсионерлар ҳам, ижтимоий ёрдам (нафақа) олувчилар ҳам, кам даромадга эга бўлганлар ҳам тиббий суғурта учун маблағ ажратадилар. АҚШда Медикейр ва Медикейд дастурлари иш ҳақи учун кам миқдорда ҳақ тўланувчи фуқароларга ҳам муносиб даражада тиббий ёрдам олиш имконини беради.

Covid-19 пандемияси барча мамлакатларда соғлиқни сақлаш тизимини модернизация қилинишини тақозо этмоқда. Шунингдек, хусусий тиббиёт тизимини ривожлантириш, ижтимоий суғурта тизимини ташкил этишни такомиллаштириш ва унинг муҳим тури ҳисобланган мажбурий тиббий суғуртани жорий қилиш зарурлигини кўрсатмоқда. Илғор халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда мажбурий тиббий суғуртанинг жорий қилиниши аҳолига муносиб даражада тиббий хизматлардан фойдаланиш имконини беради, тиббий хизматлар сифатини оширади ҳамда истиқболда кутилиши мумкин бўлган турли юқумли касалликларни (масалан, коронавирус инфекцияси) даволашда муҳим молиявий манба бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. https://www.who.int/news-room/fact-sheets/detail/universal-health-coverage-(uhc).
2. https://uzbekinvest.uz/news/tibbij-sugurta-soglik--kafolati-buloladimi.
3. 2019 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси - https://kun.uz/99444746.
4. Жаҳон банкининг маълумотлари - https://www.vsemirnyjbank.org/ru/news/press-release/2020/06/08/covid-19-to-plunge-global-economy-into-worst-recession-since-world-war-ii.
5. https://uza.uz/oz/business/pandemiya-sharoitida-i-tisodiyet-muammolarning-echimi-bormi-25-05-2020.
6. Бекмуродов А.Ш. и автор. колл. Человеческое развитие. Учебник. – Т.: «Фан ва технология», 2012. – 376 с.; Вахабов А.В. Бозор муносабатлари тизимидаги ижтимоий фондлар. Монография. – Т.: «Шарқ», 2003. – 320 б.; Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Молия: умумдавлат молияси. – Т.: «Иқтисод-молия», 2009. – 155 б.; Жумаев Н.Х. Соғлиқни сақлаш муассасаларини молиялаштиришнинг натижа мезонларини шакллантириш. «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали, №3, май-июнь, 2019.; Баев Х.И. Аҳолини ижтимоий ҳимоялашни ташкил этиш ва бошқариш муаммолари. Монография. – Т.: «Иқтисодиёт», 2012. – 154 б.; Хошимов П.З., Абдуллаева Ш.Е. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг назарий асослари. Иқтисод ва молия, №9, 2012. 21-26-б.; Бахрамова Д.Б. Аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг асосий йўналишларини иқтисодий-статистик таҳлили (Қашқадарё вилояти мисолида). Фан. докт. (DSc) дисс. автореф. – Т.: «ТДИУ», 2018. – 56 б.; Рахмонов Д.А. Ўзбекистонда ижтимоий соҳани молиялаштиришнинг методологик асосларини такомиллаштириш. Фан. докт. (DSc) дисс. автореф. – Т.: «Академия ноширлик маркази», 2018. – 71 б.; Райимбердиева О.Р. Соғлиқни сақлаш муассасаларини молиявий таъминлашни ташкил қилиш. И.ф.н. илм. дараж. ол. учун. баж. дис. автореф. – Т., 2001. – 21 б.; Қосимова Г.А. Ижтимоий-маданий соҳаларни ривожлантиришда бюджет сиёсатининг роли (Ўзбекистон Республикаси мисолида): и.ф.н. ... дис. автореф. – Т., 2001. – 22 б.; Султонова А.Ў. Соғлиқни сақлашни бозор муносабатлари орқали тартибга солишнинг ҳалқаро амалиёти. И.ф.н. илм. дараж. ол. учун. баж. дис. автореф. – Т., 2001. – 21 б.; Ражабов Ў.Д. Ижтимоий хизматлар соҳасида хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг назарий жиҳатлари ва устувор йўналишлари. И.ф.н. илм. дараж. ол. учун. баж. дис. автореф. – Т., 2008. – 26 б.

[1] https://zen.yandex.ru/media/show_me_world/rashody-na-zdravoohranenie-v-stranah-mira-skolko-v-rossii-tratiat-na-cheloveka-5d7b74e23d87363e8924eb78.

7. http://www.kafolat.uz/uz/news/info/company/1146/.
8. http://www.finmarket.ru/insurance/?nt=1&id=5214903.
9. https://aniq.uz/statistika/uzbekiston-coronavirus.
10. https://kun.uz/10522160
11. Жаҳон банкининг маълумотлари - https://www.vsemirnyjbank.org/ru/news/press-release/2020/06/08/covid-19-to-plunge-global-economy-into-worst-recession-since-world-war-ii.
12. https://uza.uz/oz/business/pandemiya-sharoitida-i-tisodiyet-muammolarning-echimi-bormi-25-05-2020.
13. https://teyit.org/en/claims-about-treatment-expenses-of-covid-19-in-some-countries/ маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.
14. https://www.gazeta.uz/uz/2020/06/08/treatment-cost/?utm_source=push&utm_medium=telegram.
15. Аналитический доклад: «Влияние коронавируса Covid-19 на ситуацию в Российском здравоохранении». https://gks.ru/bgd/regl/b19_34/Main.htm(дата обращения: 13.04.2020).
16. https://www.cnbc.com/2020/04/09/heres-what-you-need-to-know-about-coronavirus-treatment-costs.html.
17. https://iz.ru/995843/2020-04-05/nazvana-stoimost-lecheniia-ot-koronavirusa-v-ssha.
18. https://www.cnbc.com/2020/04/09/heres-what-you-need-to-know-about-coronavirus-treatment-costs.html.
19. https://www.gazeta.uz/uz/2020/06/08/treatment-cost/?utm_source=push&utm_medium=telegram.
20. http://kabar.kg/news/v-kyrgyzstane-bol-nykh-s-covid-19-lechat-besplatno-za-schet-gosudarstva-abdikarimov/.
21. Роик В.Д. Социальное страхование в меняющемся мире: каким будет выбор России? – СПб.: «Питер», 2014. – С. 284.
22. https://zen.yandex.ru/media/show_me_world/rashody-na-zdravoohranenie-v-stranah-mira-skolko-v-rossii-tratiat-na-cheloveka-5d7b74e23d87363e8924eb78.